

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“International House-Tashkent”

**академик лицейи харид
комиссиясининг раиси**



_____ **А. Х. Тиллаев**

_____ **2022 й.**

**“International House - Tashkent” академик лицейида ўрта махсус
таълим хизматларини олиб бориш бўйича**

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ХУЖЖАТИ

“International House - Tashkent” академик лицейида ўрта махсус таълим хизматларини олиб бориш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш эълон қилади.

Хизмат номи: “Национальный исследовательский университет Высшая школа экономики” билан ҳамкорлик асосида ўрта махсус таълим хизматлари.

Танлашни ўтказиш шакли: Электрон шаклда

Шартноманинг бошланғич баҳоси: 1 200 000 000 (бир миллиард икки юз миллион) сўм.

Танлов ҳужжатларини қабул қиладиган ҳамда танлов ўтказиладиган манзил: <https://etender.uzex.uz/>

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг мавжудлиги;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик ҳолати мавжуд эмаслиги;

Танлов иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қоидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс: Директор Тиллаев Алишер Хасанович +998 90 905 09 94

Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:

Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 7 календар куни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

Буюртмачининг юридик манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй.

Танлов ҳужжатларини расмийлаштириш талаби:

- танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- танлов ҳужжатларида тузатишларга (мант, сўз ва рақамларни бўяшга) йўл қўйилмайди. Агарда ҳужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлов ҳужжати комиссия томонидан четлаштирилади;
- танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавоб беради.

Танловда такдим этиладиган хужжатлар:

- тижорат таклифи;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик ҳолати мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- ташкилотнинг рўйхатга олинганлик гувоҳномаси нусخаси (ташкилот раҳбари томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим).
- таълим жараёнини ташкил этиш “Национальный исследовательский университет Высшая школа экономики” университетининг дастурини илова қилиш.
- таълим жараёнига бевосита “Национальный исследовательский университет Высшая школа экономики” университетининг профессор ўқитувчиларини хужжатларини илова қилиш.
- “Национальный исследовательский университет Высшая школа экономики” университети билан ҳамкорликдаги меморандумни (шартномани) қилиш.